

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

ТУРДИКУЛОВ ХУСАНБОЙ ХУДОЙНАЗАРОВИЧ

**ТАБИИЙ КУЗАТИШ НАТИЖАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
АСОСИЙ ЮКЛАР ТАЪСИРИДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИ
УСТУВОРЛИККА ҲИСОБЛАШ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of the abstract of doctoral dissertation (PhD)
in technical sciences**

Турдикулов Хусанбой Худойназарович

Табиий кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда асосий юклар таъсирида грунтли тўғонларни устуворликка ҳисоблаш.....3

Турдикулов Хусанбой Худойназарович

Расчёт устойчивости грунтовых плотин при основных нагрузках с учётом данных натурных наблюдений21

Turdikulov Khusanboy Khudoynazarovich

Calculation of the stability of earth dams under the basic loads taking into account the data of field observations39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published articles42

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

ТУРДИКУЛОВ ХУСАНБОЙ ХУДОЙНАЗАРОВИЧ

**ТАБИИЙ КУЗАТИШ НАТИЖАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА АСОСИЙ ЮКЛАР ТАЪСИРИДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИ
УСТУВОРЛИККА ҲИСОБЛАШ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Т972 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Салямова Клара Джаббаровна техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Султанов Тахиржон Закирович техника фанлари доктори, профессор Мирзаев Ибраҳим физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июнь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1 - мажлислар зали. Тел.: (99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33 уй.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «18» июндаги 1 рақамли реестр баённомаси).



М.М. Мирсаидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги

М.К. Усаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

Р.А. Абиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқ хужалигини электр энергияси ва қишлоқ хўжалигини сув таъминотини кафолатлаш баланд грунтли тўғонларни қуришга йўналтирилган. Бундай баланд грунтли тўғонлар сейсмик активлиги юқори худудларда барпо қилинмоқда. Уларнинг лойиҳалаш ва қуришда сейсмик мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлаш, муҳим масалалардан бири ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Испания, Франция, Россия Федерацияси, Япония, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда грунтли тўғонларни лойиҳалашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, уларни мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда сейсмик фаол худудларда жойлашган грунтли тўғонларнинг сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблаш услубларини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ташқи кучлар таъсирида грунтли тўғонларнинг ҳолатини олдиндан баҳолаш мақсадида кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш ва устуворликка ҳисоблашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш, грунтли тўғонлардаги табиий кузатиш натижасида олинган кучланиш, чўкиш ва силжишларнинг қийматларини, грунтли тўғонларни назарий ҳисоблаш усуллари натижалари билан солиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда гидротехник иншоотларнинг, жумладан грунтли тўғонларининг зилзилабардошлигини ошириш ва уларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб, грунтли тўғонларни зилзилабардошликка ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу борада грунтли тўғонларнинг реологик хусусиятларини, геометрик шаклларини ва нотурғун фильтрациясини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;...»¹ муҳим вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан гидротехник иншоотларни сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, табиий кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда асосий юқлар таъсирида грунтли тўғонларни устуворликка ҳисоблаш, гидротехник иншоотларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хил грунтли иншоотларнинг мустаҳкамлигини ва устуворлигини баҳолаш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва чет элларда бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган. Турли хилдаги ер усти ва ер ости иншоотларининг тупроқ билан ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан гидротехник иншоотларининг, мустаҳкамлиги, устуворлигини баҳолаш ва табиий шароитдаги кузатувлар таҳлилининг илмий асослари М.Т.Уразбаев, М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Т.Р.Рашидов, Т.Буриев, Т.Ш.Ширинкулов, М.А.Ахмедов, Г.Х.Хожметов, Б.М.Мардонов, И.Мирзаев, Р.Х.Мухутдинова, Т.З.Султанов, К.Д.Салямова, Б.Э.Хусанов, Х.С.Сагдиев, Д.Ф.Руми, З.Р.Тешабаев, Х.Файзиев, М.Р.Бакиев, Т.Мавлонов, Х.З.Расулов, А.А.Янгиев, В.Б.Глаговский, З.Г.Тер-Мартirosян, В.Н.Ломбардо, Б.Е.Победря, Н.А.Цытович, С.С.Вялов, М.А.Колтунов, В.П.Недрига, К.Терцаги, А.А.Ничипорович, Р.Р.Чугаев, М.М.Гришин, А.Л.Гольдин, Н.А.Анискин, М.Долежаловой, Я.Журек, М.Н.Леднев, В.П.Никитин, А.А.Ничипорович, Л.Н.Расказов, И.В.Федоров, Т.И.Цыбульник, L.V.Zhang, Y.Wang, G.Wang, D.Q.Li, G.Beer, J.R.Booker, J.P.Carter, Wang Weibiao, K.Hoeg, K.Nackler, P.Tschemutter, G.V.Baecher, J.T.Christian, K.R.Ram, Nakagawa Hajimi, Kawaike Kenji Baba, Yasiyuki, Zhang Hao, A.A.Balkema ва бошқаларнинг асарларида келтирилган. Улар томонидан иншоотлар сейсмик мустаҳкамлигининг статик ва динамик назарияси, шунингдек ҳар хил юкламаларда иншоотларни ҳисоблаш усуллари, грунтларнинг чизиқли ва чизиқсиз моделлари ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-5-059 «Гидротехник иншоотларни табиий ҳолати ҳақидаги маълумотларини

ҳисобга олиб, ностационар сейсмик таъсирларга динамик ҳисоблаш асослари бўйича ишлаш шароитидаги гидроэлектрстанцияси грунтли тўғонининг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш», №ФА-А16-Ф036 «Грунтли тўғонларни мустаҳкамликка ва зилзилабардошликка баҳолашнинг илмий-амалий усуллар мажмуини ишлаб чиқиш, №ФА-А14-Ф057 «Грунт ва асосларнинг мураккаб деформацияланиш хусусиятларини, конструкцияларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ва асбоблар ёрдамида олинган кузатиш маълумотларини ҳисобга олиб, грунтли гидротехник иншоотларни мустаҳкамликка ва устуворликка ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш» ва №ПЗ-20170923238 «Зилзилавий ҳудудларда грунтли тўғонларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда асосий юклар таъсирида грунтли тўғонларни устуворликка ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

статик юклар таъсиридаги грунтли тўғонларнинг механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда чекли элементлар усулида соҳани тўртбурчакли элементларга ажратиш йўли билан ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

асосий юклар таъсирида (гравитация кучи ва гидростатика) грунтли тўғоннинг конструктив хусусиятларини, материалнинг бир жинсли эмаслигини ва сув омборидаги сувнинг сатҳини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш;

зилзила интенсивлигига мос келадиган максимал сейсмик юкларни ҳисобга олишга асосланган грунтли тўғонларни сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблашнинг статик усулини такомиллаштириш;

сонли ҳисоблаш натижаларини табиий кузатиш маълумотлари билан солиштиришга асосланган грунтли тўғонларнинг техник ҳолатини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чорвоқ ГЭСи грунтли тўғони олинган.

Тадқиқотнинг предмети иншоотнинг ўзига ҳос конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чекли элементлар усулидан фойдаланиб гравитация кучи ва сейсмик таъсирларда Чорвоқ ГЭС грунтли тўғонининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш ҳамда сонли натижаларни табиий кузатиш натижалари билан солиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчи қаттиқ жисм механикасининг вариациялаш ҳисоби усули, грунтлар механикасининг консолидация ҳисоби усули, қурилиш механикасининг кўчиш усули, чекли элементлар усули ва ҳисоблаш экспериментлари усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

статик юклар таъсиридаги грунтли тўғонларнинг механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда чекли элементлар усулида соҳани тўртбурчакли элементларга ажратиш йўли билан ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган;

асосий юклар таъсирида (гравитация кучи ва гидростатика) грунтли тўғоннинг конструктив хусусиятларини, материалнинг бир жинсли эмаслигини ва сув омборидаги сувнинг сатҳини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилган;

зилзила интенсивлигига мос келадиган максимал сейсмик юкларни ҳисобга олишга асосланган грунтли тўғонларни сейсмик мустаҳкамликка ҳисоблашнинг статик усули такомиллаштирилган;

сонли ҳисоблаш натижаларини табиий кузатиш маълумотлари билан солиштиришга асосланган грунтли тўғонларнинг техник ҳолатини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табиий кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда асосий юклар таъсирида грунтли тўғонларни устуворликка ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирлардаги грунтли тўғонни ҳисоблаш услуги ва дастури ишлаб чиқилган;

компрессия эгри чизиғи усулидан фойдаланиб грунтли тўғон ядросининг ўқи бўйича ҳисоблаш қатламларининг умумий чўкишини аниқлаш услуги ва дастури ишлаб чиқилган;

статик юклар таъсирида грунтли тўғоннинг текис-деформацияланганлик ва текис-кучланганлик ҳолати учун бикрлик матрицасини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ҳисоблашлар оммалашган чекли элементлар усулида бажарилганлиги ва олинган сонли натижаларнинг Чорвоқ ГЭС тўғонидаги кучланишлар, чўкишлар ва силжишлар бўйича олиб борилган табиий кузатиш маълумотлари билан мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти статик юкламаларда грунтнинг эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғоннинг текис кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш усулларининг такомиллаштирилганлиги ҳамда тўғоннинг табиий шароитдаги кузатиш маълумотлари асосидаги чўкиш, силжиш ва кучланиш қийматларини сонли ҳисоблаб аниқланган қийматлари билан солиштириб баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий шароитда кузатиш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда асосий ва ўзига хос юкламаларда меъёрий ёндошишлар, шунингдек сонли усулларда грунтли тўғонларни мустаҳкамлиги ва устуворлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий кузатиш

маълумотларидан фойдаланиб грунтли тўғонларни статик масалаларини ечиш усуллари тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

грунтли тўғонларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига ҳисоблаш услуги “Ўрта Чирчиқ ГЭСлари каскади” УК ва “Тўполанг тизими сув омборларидан фойдаланиш” бошқармасининг Чорвоқ ва Тўполанг грунтли тўғонларининг статик ҳисоблаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2020 йил 15 сентябрдаги 02-15/2543-сон маълумотномаси). Натижада, назорат-ўлчов асбоблари билан жиҳозланмаган грунтли тўғонлардаги кучланиш, чўкиш ва силжишларни аниқланиши, табиий кузатишдаги сарфланадиган маблағларни 15-20% иқтисод қилиниш имконини берган;

грунтли тўғонларни сейсмик таъсирларга чидамлилигини ҳисоблашга ишлаб чиқилган услуги ва дастури “Ўрта Чирчиқ ГЭСлари каскади” УК ва “Тўполанг тизими сув омборларидан фойдаланиш” бошқармасининг Чорвоқ ва Тўполанг грунтли тўғонларининг сейсмик ҳисоблаш жараёнига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2020 йил 15 сентябрдаги 02-15/2543-сон маълумотномаси). Натижада, ҳисоблаш жараёнига сарфланадиган вақт 1,2 баробарга қисқаришини, зилзилабардошликлари таъминланишининг асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида, ҳамда 3 та илмий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб этилганлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги ифодаланган, олинган натижаларнинг ишончилиги, уларни назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш ёритилиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Грунтли тўғонларда табиий кузатишлар олиб борилиши ва ҳисоблаш усуллари бўйича илмий ишлар таҳлили» деб

номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар, назорат-ўлчов аппаратлари (НЎА) ёрдамидаги табиий шароитдаги тадқиқотлар, турли назариялар асосида иншоотларнинг текис моделларини ҳисоблаш усуллари, шунингдек статик ва сейсмик юкламалардаги текис иншоотнинг вариацион кўринишда қўйилган математик модели кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тўғон ҳолати бўйича табиий шароитда кузатиш олиб бориш асослари**» деб номланган иккинчи бобида грунтли тўғон (Чорвоқ ГЭС мисолида) ҳолати бўйича табиий шароитда кузатишлар олиб бориш асослари ўрганилган; асбоблар (НЎА) ва ундаги ўлчов маълумотлари тавсифланган (кучланишлар, ғовакдаги сувнинг босимлари, чўкишлар ва силжишлар). Грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини кузатиш унинг мустаҳкамлиги, устуворлиги ва фойдаланишда ишончилигини баҳолаш; грунтни консолидация жараёнини назорат қилиш; марказий филтрлашга қарши элементларга тушадиган юкламаларни аниқлаш; ўрнатилган бетон иншоотларга грунтни босими ва бевосита иншоотдаги материални деформацион характеристикаларини аниқлаш ишлари олиб борилган.

Диссертациянинг «**Асосий юкламаларда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли таҳлили**» деб номланган учинчи бобида асосий юкламаларда грунтли тўғонлар учун эластик статик масалани қўйилиши ва ҳисоблаш усули кўриб чиқилган. Чекли элементлар усулига қисқача тавсиф берилган. Тест масалалари ечилган. Статик юкламаларда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати тадқиқ қилинган. Кучланишлар, силжишларни сонли ҳисоблашлар асосида олинган натижалари табиий шароитдаги тадқиқотларда олинган натижалар билан солиштирилган. Эластик мувозанат ҳолатида бўлган жисмнинг асосий тенгламасини ички ва ташқи мумкин бўлган иш орқали ифодаланган, мумкин бўлган силжишлар нуқтаи назаридан келтириб чиқарилган:

$$\int_V \delta\{\varepsilon\}^T \{\sigma\} dV = \int_V \delta\{u\}^T \{p\} dV + \int_S \delta\{u\}^T \{q\} dS, \quad (1)$$

бу ерда $\delta\{u\}$ - мумкин бўлган силжишлар; $\{u\}^T$ - матрицани транспонировка қилиш; $\delta\{\varepsilon\}$ - мумкин бўлган кўчишларга мос келадиган деформация; $\{\sigma\}$ - конструкцияда юзага келадиган кучланиш; $\{p\}$ ва $\{q\}$ - мос равишда жисмга таъсир қиладиган ҳажмий кучлар, сиртки кучларлардан келадиган ташқи юклар; V - жисм материали ҳажми; S - ташқи кучларни қабул қиладиган жисм юзаси.

Гидростатика мавжуд бўлмаганда ён томон қиялиги юзаси ва тўғон чўққиси юкламалардан озод бўлади. У ҳолда бу юзалардаги статик чегаравий шартлар қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\sigma_{ij}n_j=0, \quad (2)$$

бу ерда n – юзага туширилган нормал вектори.

Сув омборидаги бир жинсли сиқилмайдиган суюқликда жойлашган, тўғоннинг юқори қиялиги юзасида гидростатикани ҳисобга олиш, чуқурлик билан қиялик юзасидаги чизикли ўсувчи босимга келтирилади.

$$p=\rho gz, \quad (3)$$


бу ерда z – сувнинг эркин юзасидан ўлчанадиган чуқурлик; g – эркин тушиш тезланиши.

Чегаравий шартларда асоснинг қуйи чегарасини қистириб маҳкамланган деб олинган, бу горизонтал ва вертикал мумкин бўлган силжишларни мавжуд эмаслиги билан ифодаланади.

$$y=0: \quad \delta u|_{y=0}=0; \quad \delta v|_{y=0}=0. \quad (4)$$

Эластик асосда жойлашган грунтли тўғоннинг текис-деформацияланувчан моделининг тавсифи берилган (1а-расм). Иншоот статик (ўзнинг оғирлигида, сувнинг гидростатик босимида) юкламаларда кўриб чиқилган. Тўғон жисмининг бир жинсли бўлмаган тупроғи таркиби ҳисобга олинган (ядро мавжудлиги).

Бундай моделни ҳисоблаш учун мумкин бўлган силжишларнинг вариацион принципига асосланган чекли элементларнинг сонли усулидан фойдаланилган.



1-расм. Ҳисоблаш модели (а) ва уни чекли-элементли дискретизациясининг тўғри бурчак шаклидаги элементлари (б)

Кўчишларга асосланган чекли элементлар усулида элементлардаги силжишларнинг тақсимланишини тугунларни силжишларидан қуйидаги муносабат бўйича топилади:

$$\{u\} = [N]\{u\}^e \quad (5)$$

бу ерда $[N]$ - функция-форма; $\{u\}^e$ - элемент тугунларини кўчиш вектори.

Элементдаги деформация ва кучланиш тугунларни силжишларига қараб қуйидагича аниқланади:

$$\{\varepsilon\}^e = [B]\{u\}^e, \quad (6)$$

$$\{\sigma\}^e = [D]\{\varepsilon\}^e, \quad (7)$$

бу ерда $[B]$ - дифференциаллаш матрицаси; $[D]$ -материалнинг эластиклик матрицаси.

Бутун конструкцияни мумкин бўлган кўчиш формуласи ҳар бир элементнинг мумкин бўлган кўчишлари йиғиндиси орқали ифодаланади. Элементнинг мумкин бўлган кўчиши (5), (6) ва (7) ифодаларни (1) формулага қўйганимиздан сўнг ҳосил бўлади ва қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\delta\{u\}^{\text{Te}} \left(\int_{V_e} [B]^T [D][B] dV \right) \{u\}^e = \delta\{u\}^{\text{Te}} \left(\int_{V_e} [N]^T \{p\}^e dV + \int_{S_e} [N]^T \{q\}^e dS \right), \quad (8)$$

$$\left(\int_{V_e} [B]^T [D][B] dV \right) \{u\}^e = \left(\int_{V_e} [N]^T \{p\}^e dV + \int_{S_e} [N]^T \{q\}^e dS \right), \quad (9)$$

(9) ифодани матрица шаклида ёзиш мумкин

$$[k]^e \{u\}^e = \{F\}^e, \quad (10)$$

бу ерда

$$[k]^e = \int_{V_e} [B]^T [D][B] dV, \quad (11)$$

$$\{F\}^e = \int_{V_e} [N]^T \{p\}^e dV + \int_{S_e} [N]^T \{q\}^e dS. \quad (12)$$

Бу ерда

$\{u\}^e$ - номаълум кўчишлар вектори;


$[k]^e$ - элементнинг бикирлик матрицаси;

$\{F\}^e$ - юкланиш вектори.


(11) ва (12) формулалар мос равишда элементга таъсир этувчи элементнинг бикирлик матрицаси ва юкланиш вектори номлари билан аталади. Бу матрицалар сонли интеграллаш усулини қўллаган ҳолда аналитик тарзда ёки сонли тузилади.

(10) формулани ҳар бир элементга қўллаб ва барча элементлар йиғиндисини ҳосил қилиб, тугун нуқталарнинг силжишига нисбатан ечиш мумкин бўлган биринчи даражали бир жинсли чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.


Нормал (горизонтал ва вертикал) кучланишларни ҳисоблаш натижаларини табиий шароитда олинган маълумотлар билан таққослаш 2-5 расмларда келтирилган.




2-расм. 780,0 м. сатҳдаги горизонтал кучланишларни σ_x (тк/м²) хисоблаш эпюралари (1МПа=102тк/м²)



3-расм. Эксплуатация муддатига боғлиқ равишда 780,0 м сатҳдаги горизонтал кучланишларни σ_x (тк/м²) ва ғоваклардаги босимни табиий шароитда кузатиш натижалари (1МПа=102тк/м²)




4-расм. 780,0 м. сатҳдаги вертикал кучланишларни σ_y (тк/м²) ҳисоблаш эюралари (1МПа=102тк/м²)




5-расм. Эксплуатация муддатига боғлиқ равишда 780,0 м сатҳдаги вертикал кучланишларни σ_y (тк/м²) табиий шароитда кузатиш натижалари (1МПа=102тк/м²)

Горизонтал ва вертикал кучланишларни ғоваклардаги босимни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш натижаларини табиий шароитда кузатиш маълумотлари билан солиштириш 6-чи створ учун мос равишда 5% ни ва 9% ни кўрсатди.

6 створ учун максимал горизонтал силжишларни ҳисоблаш натижаларини табиий шароитда олинган маълумотлар билан солиштириш 6, 7 расмларда келтирилган.




6-расм. Гравитация ва гидростатика кучларини ҳисобга олган ҳолда тўғоннинг горизонтал силжишлари (м) эпюраси. 6-чи створ




7-расм. Грунтли тўғонларнинг тиргакли призмасини горизонтал силжишларини эксплуатация вақти бўйича ўзгариши

Максимал горизонтал силжишларни ҳисоблаш натижаларини табиий шароитдаги кузатишлар маълумотлари билан таққослаш 6-створ учун 14% ва 9-створ учун 18% фарқни кўрсатди.

Сув омборини тўлдириш жараёнидаги чўкишларни аниқлаш бўйича ҳисоблаш натижаларини табиий шароитдаги кузатув маълумотлари билан солиштириш уларни бир-бирига мос тушганлигини кўрсатди, бу эса ишлаб чиқилган ҳисоблаш дастурининг ишончлилигини кўрсатади (Расм 8, 9). Қурилиш тугаганидан кейинги гидростатикани ҳисобга олган ҳолдаги табиий чўкишлар 9-расмда кўрсатилган (1979 йил 7 февраль).



8-расм. Гидростатик кучларни ҳисобга олган ҳолда тўғоннинг вертикал кўчишлари (м) эпюраси. 6-створ, 872,0 м сатҳда



9-расм. Эксплуатация жараёнида 872,0 м сатҳида тўғоннинг юқори таянч призмаси бермасининг чўқиши

Максимал вертикал силжишларни ҳисоблаш натижаларини табиий шароитдаги кузатишлар маълумотлари билан таққослаш 6-створ учун 8% ва 9-створ учун 9% фаркни кўрсатди.

Диссертациянинг «Грунтли тўғонларнинг устуворлигини ҳисоблаш» деб номланган тўртинчи бобида грунтли тўғонларнинг қияликларини статик ва сейсмик устуворлигини ҳисоблаш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг аосий қоидалари кўриб чиқилган. Грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш усули таклиф қилинган. Грунтли тўғонларнинг нишаб бурчаги ва ички ишқаланиш бурчаги ўзгаришларининг устуворлик чегараси аниқланган (Чорвоқ ГЭС мисолида). Сейсмик таъсирларнинг даражасини ҳисобга оладиган методика баён қилинган ва грунтли тўғонларнинг устуворлиги ҳисобланган.

Грунтли тўғонларнинг устуворлигини ҳисоблаш Г.Н.Карцивадзе томонидан сунъий иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги учун таклиф қилинган ва М.М.Гришин, М.М.Мирсаидов томонидан анча ноқулай вариантли грунтли тўғонлар учун ривожлантирилган методика билан амалга оширилган.

Ишлаб чиқилган усуллар бўйича сейсмик таъсирларни ҳар-хил балларида (8 баллда, 10-расм) сувни ҳисобга олмасдан ва сув омборидаги сувни тўлишини ҳисобга олиб (НПУ=890,0) тўғоннинг устувор ишлаши аниқланган. Чорвоқ ГЭС грунтли тўғонини 9-створи учун грунтларни конструктив ва физик-механик хусусиятларини ҳисобга олиб натижалар олинган.

Кўриб чиқиладиган иншоотнинг ҳар бир нуқтасидаги мустаҳкамлик захираси коэффицентининг қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K = \frac{0,5[(\sigma_1 + \sigma_2 - 2\tau_{max} \cdot \sin \varphi) \cdot \operatorname{tg} \varphi + 2C]}{\tau_{max} \cos \varphi} \quad (13)$$

Тўғонларни сейсмик таъсирларга ҳисоблашда спектрал усул қўлланилган, унга кўра танлаб олинган йўналишдаги k нуқтага қўйилган ва иншоотнинг хусусий тебранишларининг i - кескинлигига (тонига) мос келадиган S_{ik} ҳисобланган сейсмик юклама (13) формулани қўллаган ҳолда қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$S_{ik} = K_1 K_2 Q_k A \beta_i K_w n_{ik}. \quad (14)$$

ҚМҚ жадвали бўйича қабул қилинган турли коэффицентлардан ташқари бу формулага Q_k — k нуқтага оид иншоот оғирлиги; β_i — иншоотнинг хусусий тебранишларини i - частотасини ифодалайдиган динамиклик коэффиценти ва n_{ik} — иншоотнинг хусусий тебранишларини i - формаси коэффиценти.

Дастлабки ҳисоблашлар учун жуда кичик хатоликни берадиган тебранишларни фақат биринчи (асосий) формаси бўйича ҳисоблаймиз. У ҳолда спектрал усули формуласи бўйича вақтинчалик юкламадаги сейсмик куч қуйидагича ифодаланади:

$$S_B = K_c \beta_1 n_{1B} Q_B \quad (15)$$

β динамиклик коэффиценти спектрал эгри чизиғи бўйича 0,8-3,0 оралиғида ўзгаради. K_c – сейсмиклик коэффиценти 7 балл учун 0,025, 8 балл учун 0,005, 9 балл учун 0,1 га тенг. Синов учун олинган ҳисоблашлар натижаларига кўра иншоотлар учун n_{1B} форма коэффиценти 1,1-1,3 оралиқда ўзгаради. Шунинг учун ҳисоблашларда (14) формула ўрнига (15) формуладан

ва S_B сейсмик кучларни максимал ва минимал қийматларини аниқлаш учун 1-жадвалдан фойдаланамиз.


1-жадвал

S_B сейсмик кучларни максимал ва минимал қийматлари

Зилзила кучи, балларда	Q_B нинг улушларидаги сейсмик кучлар	
	максимал S_B	минимал S_B
7	0,098	0,022
8	0,195	0,044
9	0,39	0,088

Биринчи жадвалдан кўришиб турибдики, сейсмик кучнинг максимал қиймати (7 баллда) ўз оғирлигига нисбатан 10% ни, (8 баллда) 20% ни, (9 баллда) 40% ни ташкил қилар экан. Статик масалани ечишда силжиш кучининг қиймати кўриб чиқиладиган элемент тугунига гравитация ва гидростатика кучларига қўшимча сифатида қўшиб қўйилган. Сейсмик таъсирлар остидаги ушбу соддалаштирилган масала таниқли ишлар билан тўлиқ мос келади. Кўриб чиқиладиган иншоот тугунларидаги кинематик характеристикалар (кўчиш, кучланиш) аниқланган. Ундан сўнг (13) формула орқали тупроқ материалнинг мустаҳкамлик коэффиценти аниқланади.

Қуйида 8 баллик сейсмик таъсирда устуворлик коэффицентининг тақсимланиши келтирилган.



10-расм. Саккиз баллик сейсмик таъсирда тўғон танасидаги устуворлик коэффицентини сув омборини тўлалигини ҳисобга олмаган (а) ва тўлалигини ҳисобга олган (б) ҳолдаги тақсимланиши

Ҳисоблаш натижаларидан қияликнинг устуворлиги тўғони курук ҳолатида кузтилади, сув омбори тўлдирилганида эса қуйи бўёфнинг устуворлиги ортиб боришини кўриш мумкин.

ВНИИГ томонидан ишлаб чиқилган «Откос-пл» лицензияли дастури бўйича «Гидропроект» АЖ томонидан олинган натижалар билан устуворлик коэффицентларини юқорида келтирилган сонли натижаларини солиштириш уларни бир-бирига яқинлигини кўрсатди, бу эса ишлаб чиқилган усулни ва ҳисоблаш дастурини тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Чорвоқ грунтли тўғонининг устуворлиги майдоннинг сейсмиклиги 8 балл бўлганидагина таъминланади, чунки майдон жойлашган жойнинг сейсмиклик қиймати ҳам шунга тенг.

ХУЛОСА

«Табиий кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда асосий юклар таъсирида грунтли тўғонларни устуворликка ҳисоблаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гидротехник иншоотларнинг устуворлиги муаммолари, хусусан грунтли тўғонлар учун табиий шароитдаги кузатиш маълумотлари асосида ҳисоблаш моделини, ҳисоблаш дастурини танлашни асослаш учун замонавий илмий ишлар таҳлил қилинган.

2. Асосий юкламалардаги грунтли тўғонлар учун статик эластик текис масалаларни сонли ечишнинг математик қўйилиши келтирилган. Тадқиқ қилинаётган худудни тўртбурчак элементларга бўлиш ёрдамида масалани чекли элементлар усули билан ечишнинг методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган.

3. Статик юкламалардаги иншоотнинг текис-деформацияланган ва текис-кучланганлик ҳолати учун бикрлик матрицасининг аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

4. Муаллиф томонидан олинган натижаларни ўхшаш масалалар натижалари билан таққослаш уларнинг яхши яқинлашганлигини кўрсатди. Таққослаш натижалари ишлаб чиқилган методика ва ҳисоблаш дастурининг ишончлилигини кўрсатди.

5. Сонли ҳисоблашлар натижаларини (кучланиш, чўкиш, силжиш) табиий шароитдаги кузатиш маълумотлари билан солиштириш орқали асосий юкламаларда грунтли тўғонларнинг (Чорвоқ ГЭСи мисолида) кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш учун ишлаб чиқилган методика ва ҳисоблаш дастурининг амалий аҳамияти кўрсатилган. Бу иншоотнинг ишлаш қобилиятини аниқлаш имконини беради.

6. Асосий юкламалардаги грунтли тўғонларнинг энг заиф участкаларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини (кучланиш, чўкиш, силжиш) аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усул ва дастурни кузатиш асбоблари билан жихозланмаган иншоотлар учун ҳам қўллаш мумкин, бу эса 15-20% га ҳаражатларни тежашга олиб келади.

7. Грунтли тўғонларнинг қияликларини сейсмик таъсирларга устуворлигини қабул қилинган меъёрларга мувофиқ ҳисоблашда балл қийматини иншоот оғирлиги билан боғлаб ўрнатиш мумкинлиги кўрсатилди. Грунтли тўғонларнинг сейсмик таъсирларга чидамлилигини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган усул ва дастур ҳисоблаш вақтини 1,2 баробарга камайтиради.

8. Асосий юкламалардаги Чорвоқ грунтли тўғонининг устуворлигини тўлиқ таъминлайдиган тиргакли призмалар учун грунт ва табиий қияликлар бурчаклари характеристикаларининг чегаравий қийматлари аниқланди.

9. Ҳисоблашларнинг сонли натижаларини таҳлил қилиш асосий юкламаларда сейсмик таъсирларнинг ҳар хил катталикларида статик масалаларни ечишда Чорвоқ грунтли тўғонининг устуворлиги 9 баллик сейсмик таъсирнинг 10 баллик чегарасида сув омборининг сувга тўлдирилишига боғлиқ бўлмаган равишда қияликларнинг ноустуворлиги кузатилганлигини кўрсатди. Олиб борилган таҳлил натижасида 10 баллга яқин зилзила юз берган тақдирда тўғоннинг устуворлигини таъминлаш учун кўшимча чоралар кўриш зарурлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ
СООРУЖЕНИЙ**

ТУРДИКУЛОВ ХУСАНБОЙ ХУДОЙНАЗАРОВИЧ

**РАСЧЁТ УСТОЙЧИВОСТИ ГРУНТОВЫХ ПЛОТИН ПРИ
ОСНОВНЫХ НАГРУЗКАХ С УЧЁТОМ ДАННЫХ НАТУРНЫХ
НАБЛЮДЕНИЙ**

01.02.04 – Механика деформируемого твёрдого тела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.1.PhD/T972.

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.instmech.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Салямова Клара Джаббаровна доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султанов Тахиржон Закирович доктор технических наук, профессор
	Мирзаев Ибрахим доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится «30» июня 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений АН РУз (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний – 1. Тел.:(99871) 262-71-52; факс:(99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Урозбаева Академии наук Республики Узбекистан (регистрационный номер -5). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурман йули, 33.

Автореферат диссертации разослан «18» июня 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №1 от «18» июня 2021 года).



по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.М. Мирсаидов

Председатель Научного совета

М.К. Усаров

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

Р.А. Абиров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире для энергообеспечения народного хозяйства и нужд сельского хозяйства водой идет процесс активного строительства высоких грунтовых плотин. Такие высокие грунтовые плотины строятся и в высокосейсмичных регионах. Одной из важных задач проектирования и строительства является обеспечение их устойчивости и сейсмостойкости. В США, Великобритании, Испании, Франции, Российской Федерации, Японии, Турции, Китае, Индии и других государствах проводятся разработки эффективных методов проектирования грунтовых плотин и имеет особое значение учет обеспечения их прочности и устойчивости.

В мире проводятся научные исследования по развитию методов расчета сейсмостойкости грунтовых плотин, расположенных в сейсмически активных регионах. В этой связи для прогнозной оценки состояния грунтовых плотин под воздействием внешних нагрузок совершенствуются современные методы определения напряженно-деформированного состояния и расчета их на устойчивость. Уделяется особое внимание проведению целенаправленных научных исследований на основе сопоставления и анализа значений напряжений, осадок и смещений, полученных в результате натурных наблюдений за грунтовыми плотинами, с результатами теоретических методов их расчета.

В нашей республике увеличиваются меры по повышению сейсмостойкости гидротехнических сооружений, в том числе грунтовых плотин и обеспечению их сейсмической безопасности, наряду с этим число широко ведутся настоящее время исследования по разработке методов расчета грунтовых плотин на сейсмостойкость широко ведутся. В этом отношении наряду с этим разрабатываются методы определения напряженно-деформированного состояния грунтовых плотин с учетом реологических свойств грунта, их геометрической формы и нерегулярной фильтрации. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы ставится задача реализации таких целевых программ, как «...Строительство и реконструкция гидротехнических сооружений на 131 мелиоративном объекте;...»¹. Осуществление данной задачи представляет собой научное значение и предопределяется необходимостью совершенствования методов расчета гидротехнических сооружений на сейсмические воздействия, численного расчета напряженно-деформированного состояния гидротехнических сооружений, расчёт устойчивости грунтовых плотин при основных нагрузках с учётом данных натурных наблюдений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5066 от 1 июня 2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 г. «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», №ПП-4794 от 30 июля 2020 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика, сейсמודинамика сооружений и информатика» и Программой XIV. «Сейсмология, сейсмобезопасность зданий, сооружений и строительство».

Степень изученности проблемы. По проблемам оценки прочности, устойчивости различных грунтовых сооружений в нашей стране и за рубежом рядом ученых проведены научно-исследовательские работы. Научные основы по оценке прочности, устойчивости различных наземных и подземных сооружений, с учетом их взаимодействия с грунтом, в том числе гидротехнических и анализу натуральных наблюдений заложены в работах М.Т.Уразбаева, М.М.Мирсаидова, К.С.Султанова, Т.Р.Рашидова, Т.Буриева, Т.Ш.Ширинкулова, М.А.Ахмедова, Г.Х.Хожметова, Б.М.Мардонова, И.Мирзаева, Р.Х.Мухутдиновой, Т.З.Султанова, К.Д.Саямовой, Б.Э.Хусанова, Х.С.Сагдиева, Д.Ф.Руми, З.Р.Тешабаева, Х.Файзиева, М.Р.Бакиева, Т.Мавлонова, Х.З.Расулова, А.А.Янгиева, В.Б.Глаговского, З.Г.Тер-Мартиросяна, В.Н. Ломбардо, Б.Е.Победри, Н.А.Цытовича, С.С.Вялова, М.А.Колтунова, В.П.Недриги, К.Терцаги, А.А.Ничипоровича, Р.Р.Чугаева, М.М.Гришина, А.Л.Гольдина, Н.А.Анискина, М.Долежаловой, Я.Журека, М.Н.Леднева, В.П.Никитина, Л.Н.Рассказова, И.В.Федорова, Т.И.Цыбульника, L.V.Zhang, Y.Wang, G.Wang, D.Q.Li, G.Beer, J.R.Booker, J.P.Carter, Wang Weibiao, K.Hoeg, K.Nackler, P.Tschemutter, G.V.Baecher, J.T.Christian, K.R.Ram, Nakagawa Hajimi, Kawaike Kenji Baba, Yasiyuki, Zhang Hao, A.A.Balkema и др. Ими разработаны и усовершенствованы статическая и динамическая теории сейсмостойкости сооружений, а также методы расчета сооружений на различного рода нагрузки с учетом линейных и нелинейных моделей грунта.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационные исследования выполнены в соответствии с планом научных исследований Института механики и сейсмостойкости сооружений №А-5-059 «Разработка рекомендаций по обеспечению сейсмостойкости эксплуатируемых грунтовых плотин

гидроэлектростанций (ГЭС) на основе динамического расчета при нестационарных сейсмических воздействиях с учетом данных о настоящем состоянии гидротехнических сооружений»; №ФА-А16-Ф036 «Разработка комплексного научно-практического метода оценки надежности и сейсмостойкости грунтовых плотин»; №ФА-А14-Ф057 «Разработка методов расчёта на прочность и устойчивость грунтовых гидротехнических сооружений с учётом сложных деформационных характеристик грунтов и оснований, конструктивных особенностей и данных инструментальных наблюдений»; №ПЗ-20170923238 «Разработка рекомендаций по обеспечению безопасной и надежной работы грунтовых плотин в сейсмических районах».

Целью исследований является усовершенствование методов расчёта устойчивости грунтовых плотин при основных нагрузках с учётом данных натурных наблюдений и разработка методов расчета на сейсмостойкость.

Задачи исследования:

разработать методику расчета грунтовых плотин методом конечных элементов путем разбиения расчетной области на четырехугольные элементы с учетом механических характеристик при статических нагрузках;

